

## КУРИЛИШДАГИ БИНОЛАРНИНГ ДЕВОР ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ҚЎЙИЛГАН АСОСИЙ ТАЛАБЛАР.

Хатамкулов Бекзод Искандарбек ўғли  
Наманган мұхандислик қурилиши институты  
“Архитектура” кафедра ўқытувчisi  
[b.nurmuhammad90@gmail.com](mailto:b.nurmuhammad90@gmail.com)  
+998930505070

**Аннотация:** Билим олиб келаётган талабаларни мұтахассислиги бўйича касбга йўналтириши ҳамиша давлатимиз, сиёсатимиз олдида турган устувор масалалалардан бири бўлиб саналган. Бинонинг асосий конструктив элементларидан бири бу девор бўлиб, у ташқи мухит омиллари таъсиридан ҳимоялаш вазифасини талабаларимизга олий таълим муассасаларида ўрагатишни ўрни ва олий таълим муассасалари битиргандан сўнг иш фаолиятларини олиб бориши учун катта аҳамиятга эга. Ушбу мақолада талабаларни қурилишида ҳамда касбга тўғри йўналтиришидаги мавжуд муаммолар, амалиётдаги камчиликларни бартараф этиши йўллари ҳақида қисқача фикр юритилган.

**Kalit so'zlar:** Бино, девор, турлари, чоклар, зилзила, гишт, юк кўтарувчи девор, гиштин девор.

Бинонинг асосий конструктив элементларидан бири бу девор бўлиб, у ташқи мухит омиллари таъсиридан ҳимоялаш вазифасидан ташқари кўп холларда ўзига қўйилган қаватлараро ёпма ва том ёпмалар, том оғирлигидан тушаётган юкларни кўтариш вазифасини ҳам бажаради. Деворнинг бу элементи турли-туман ташқи кучлар ва ташқи мухит таъсири остида бўлади. Деворлар ўзининг умумий оғирлигини, том ва қаватлараро ёпмалардан тушадиган доимий ва вақтингчалик юкларни, шамол кучи таъсирини, асос яни пойдеворнинг нотекис чўкишидан хосил бўлган деформацияларни, зилзила кучлари ва бошқаларни қабул қиласди.

Умумий олиб қараганда деворлар ташқи томондан қуёш радиацияси, ёғин-сочин, ўзгарувчан температура ва ҳаво намлиги, шовқинлар, ички томондан эса иссиқлик оқими, сув буғи, шовқин каби таъсирлар остида уларга бардош бериш жараёнида бўлади. Шундан кўриниб турибдики, бинонинг лойихасини яратишда деворларнинг жойи, уларнинг конструктив схемаси ва турини танлашга алохида талаблар бўйича эътибор берилади.

**Бинонинг деворлари вазифасига кўра қуийидаги асосий талабларга жавоб берииши керак деб ўйлайман:**

1. мустахкам,

2. турғун,
3. фазовий бикр бўлиши,
4. биноларнинг турли классларига тўғри келувчи оловбардошлиқ даражасига мос бўлиши,
5. хона ичида маълум температура ва намлик режимини таъминлаш,
6. товушдан етарли даражада изолация қилиши,
7. ўрнатилишида технологик ва индустрискик эга,
8. тежамли ва арzon бўлиши,
9. уни қуришга меҳнат кам сарфланадиган бўлиши,
10. архитектура ва қурилиш норма қоида талабларига жавоб бериши лозим деб ўйлайман.

Бинонинг ташқи деворларда одатда бино ичини табиий ёриқлик билан таъминлаш учун дераза ўрни, хонага кириш ва балкон ҳамда айвонларга чиқиш учун эшик ўрни қолдирилади. Дераза ва эшик ўрнатилган деворлар ҳам ўз навбатида юқоридаги талабларга жавоб бериши керак.

Ташқи деворлар ва улар билан биргаликда бинонинг бошқа элементларини бино қурилаётган жойнинг табиий-иклим ва геологик шартшароитларига ҳамда хажмий режалаштириш ечимларини хисобга олган холда вертикал деформация чоклари орқали қисмларга ажратилади.

#### *Деформация чоклари:*

1. температура чоклари,
2. чўкиш чоклари,
3. зилзилага қарши чоклари каби турларга бўлинади.

Энди юқоридаги деформация чоклар хақида тушунтириш бериб ўтамиз температура чоклари деворларда ўзгарувчан температура таъсиридан хосил бўладиган ёриқ ва қийшайишларни олдини олиш учун қолдирилади ва уларнинг ораликлари бино қуриладиган жой иклим-шароити ва девор материалининг физик-механик хусусиятларига қараб ғишин биноларда 40 м дан 100 м гача, йирик панелли биноларда 75 м дан 150 м гача олинади. Булардаги кичик масофа қаттиқ иклим шароитли ерларга тегишли бўлади. Чоклар тирқиши камида 20 мм бўлиб, улар икки томондан иссиқлик изолацияси ёрдамида бекитилади. Эслатма бериб ўтаманки бунда чоклар пойдеворни кесиб ўтмайди.

Чўкиш чоклари ҳам бино баландлиги ҳар хил бўлганда, ҳамда асос тупроғи чўкиши мумкин бўлган ерларда қўйилади. Эслатма бериб ўтаманки чўкиш чоклар пойдеворни ҳам кесиб ўтиши билан температура чокларидан

фарқ қиласи. Сабаби номи билан айтиб турибдики чўкиш чоклари дейилмоқда асос тупроғи чўкиш вақтида асосга таъсир ўтказади.


Зилзилага қарши чоклар бино режалари мураккаб шаклга эга бўлганда ёки бинолар ёнма-ён турган қисмларининг паст-баландлиги бир-биридан 5 м ва ундан ортиқ фарқ қиласидан ҳолларда қолдирилади. Зилзилага қарши чоклар бинони бутун баландлиги бўйича икки қисмга ажратади. Агар чўкиш чоклари зилзилага қарши чоклар билан тўғри келиб қолса, бу чоклар бир-бирининг вазифасини бажариши мумкин.

Деворлар тош (табиий ва сунъий тош деворлар), ёғоч, тупроқ ва синтетик материаллардан қурилиши мумкин.

Ишлаш характерига кўра деворлар юк кўтарувчи, ўз оғирлигини кўтарувчи ва осма девор бўлиши мумкин. Юк кўтарувчи деворлар хонани ташқи мухит таъсиридан ҳимоялабгина қолмай, балки юқорида жойлашган конструксиялар, жиҳозлар, мебеллар ва шу кабилардан тушадиган оғирликни ҳам кўтариб туради. Ўз оғирлигини кўтариб турувчи девор конструктив схемасида эса том ёпмасидан тушган вертикал юкларни устунлар қабул қиласи. Деворлар бу холда хонани ташқи мухит таъсиридан ҳимоя қилувчи вазифасини бажаради. Бундай деворлар шамол таъсиридан ҳосил бўладиган горизонтал таъсир кучларни қабул қилиб, каркас конструксиясига, яъни тўсин ва устунга узатиб беради. Бундай деворлар фақат ўзидан юқорида жойлашган девор оғирлигини кўтариб туради. Осма (каркас устунларига осилган) деворлар хонани ташқи мухит таъсиридан ҳимояловчи вазифасини бажаради.

Деворларнинг нормал ишлаши ва яхлитлигини таъминлаш учун тошларни теришда чокларга ажратувчи маълум қоидаларга риоя қилинади


(1-расм). Деворларни теришда вертикал чоклар бир-бирига тўғри келмаслиги керак. Вертикал чокларнинг бундай бекитиб кетилиши боғланиш деб аталади.



1-расм. Фиштин деворлар териш усуллари:

- а - икки қаторли;
- б - олти қаторли;
- 1 - күндаланг фиштлар;
- 2 - узунасига ётқизилган фиштлар.

Фишт асосий девор материалларидан бири ҳисобланиб, ҳозирги тураржой ва жамоат биноларининг 40 фоизи фиштлардан тикланади. Фиштли биноларга меъморий ва бадиий кўриниш беришда катта имкониятлар бор. Фишт деворлар пиширилган ва силикат фиштлардан бунёд қилинади. Стандарт фишт ўлчами 250x120x65 мм қалинлаштирилган фишт ўлчами 250x120x88 мм га teng бўлади. Булардан ташқари маркаси 75, 100, 125, 150, 200, 250 бўлган сопол фиштлар ҳам бўлиб, бундай фиштлар ичи ковак қилиб тайёрланади, коваклари очик ёки бир боши очик бўшлиқлардан иборат бўлади (2-расм). Девор фиштлари бўйича ва кўндаланг ётқизиб терилиши мумкин. Фишт девор қалинлиги 65, 120, 250, 380, 510, 640, 770 мм ва ундан катта бўлиши ҳам мумкин. Фиштларнинг маълум тартибда терилиши боғлаш системаси деб аталади:



2-расм. Сопол фишт:

а - яхлит; б - э - ичи ковак; икки боши очик думалоқ ковакли (б), квадрат ковакли (в), тўғри бурчак ковакли (г), бир томони берк икки ковакли (е) фиштлар.

Фиштин деворлар тиклашда қуйидаги боғлаш системалари (1-расм) қўлланилади:

- бир қаторли (занжирли) боғлаш системаси – бунда кўндаланг ётқизиб терилган ғишт қатори билан узунасига ётқизиб терилган ғишт қаторлари навбатлашиб келади. Чокларни боғлашнинг бу системаси, осонлиги ва деворнинг мустахкамлиги етарлича бўлиши билан ажралиб туради, бироқ бунда меҳнат унумдорлиги паст бўлади;

- кўп (олти) қаторли боғлаш системаси - бунда беш қатор узунасига ётқизилган қатор қўндаланг ётқизилиб терилган бир қатор билан навбатлашади. Бу система қўлланилганда меҳнат унумдорлиги бир қаторли системадагига нисбатан анча юқори бўллсада, аммо деворнинг мустахкамлиги 3-5 фоиз пасаяди. баландлиги 88 мм бўлган ғиштларни теришда тўрт қатор узунасига ётқизилган қатор қўндаланг бир қатор билан навбатлашади.

- уч қаторли боғлаш системасида узунасига ётқизиб терилган уч қатор ғиштлар қўндаланг терилган бир қатор билан навбатлашади. Бу холда учта қўшни қаторнинг вертикал чоклари бир-бирига тўғри келади. бино девори оғирлигини камайтириш ва сопол ғиштларни тежаш мақсадида ғиштларнинг маълум бир қисми иссиқлик изолацияси катта бўлган енгил материаллар билан алмаштирилади. орасига иссиқлик ўтказмайдиган материал жойлашган ёки ораси бўш қолдирилган деворлар енгиллаштирилган девор деб аталади (2.22-расм). Бундай девор қуришда меҳнат кам сарф бўлади. Ана шундай деворларнинг беш тури кенг тарқалган:

- диафрагмали девор. Бунда ғиштин девор узунасига жойлаштирилган ички ва сиртки қатлами оралиғидаги ҳар беш қатордан кейин горизонтал ҳолда (диафрагма) терилган қатор билан боғланади. деворлар орасидаги бўшлиқка енгил бетон, шлак ёки иссиқлик ўтказмайдиган бошқа материал тўлдирилади. Бундай деворлар уч қаватлигича бўлган биноларда ишлатилади.

-қудуксимон девор. Бу вертикал диафрагмалар воситасида туташтирилган икки девордан иборат деворлар орасидаги қудуқчаларга енгил бетон, шлак ёки иссиқлик ўтказмайдиган бошқа материал тўлдирилади. қудуқчалардаги шлак қатлами чўкишининг олдини олиш учун ҳар 5-6 қатордан кейин маълум бир қалинликда қоришма ётқизилади, бундай деворлар бир-икки қаватли биноларда ишлатилади;

-анкерли ғиштин-бетон девор оралиғи енгил бетон билан тўлдирилган икки қават девордан иборат бўлади. кўндаланг ётқизилган ғиштларнинг деворнинг ички томонига туртиб чиқсан учлари бетон қатлами орқали ташки қатор билан боғланади. Бундай деворлар тўрт қавтгача бўлган биноларда қўлланади;

-оралиғи бұш қолдирилған ёки оралығига иссиқлик үтказмайдыган материал жойланған девор. Бундай деворлар ғишини терганды чоклар күп қаторли системада боғланады. Бундай деворлар беш қаваттагача бұлған биноларда құлланилады;

-термовкладишли девор ярим ғищлардан бұйламасига териленген ва бир-бирига параллел икки девордан иборат бўлиб, деворлар орасига енгил ёки ғовак бетон блоклар тұлдириләді. тұрт ва ундан кам қаватли бұлған бинорларда ишлатилади.

### АДАБИЁТЛАР:

1. КМК 2.01.03-96 Зилзилавий ҳудудларда қурилиш. Тошкент 2006.
2. Инструкция по проектированию конструкций панельных жилых зданий. ВСНЗ 2-77. Госгражданстрой. М. Стройиздат, 1978.
3. Альбомы типовых конструкций и узлов каркасно-панельных и крупнопанельных зданий. ТашЗНИИЭП, ТбилЗНИИЭП.
4. Нуретдинов Х.Н. Зилзила бұладыган районларда саноат биноларини лойихалаш. Тошкент 1994й.
5. Маракаев Р.Ю. Маъмурий майший биноларни лойихалаш. Услубий құлланма. Тошкент 1993й.
6. КМК 2.01.01-94. Лойихалаш учун иқлими-физикалық ва геологик маълумотлар. Тошкент 1994й.
7. КМК 2.01.03-96. Строительство в сейсмических районах.
8. КМК 2.01.05-98. Естественное и искусственное освоение. Ташкент 1998г.
9. КМК 2.07.01-94. Шаҳарсозлик. Тошкент 1994й.
10. КМК 2.09.04-98. Саноат корхоналарининг маъмурий-майший бинолари. Тошкент 1998й.
11. Арифжанов, А. М., Фатхуллаев, А. М., Самиев, Л. Н., & Хотамқұлов, Б. (2015). Русловые процессы в оросительных каналах. Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук, (5-2), 207-209.